Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
21-yanvar,
payshanba,
№ 9
(3670)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## Тавсиянома энг муносибларга берилади

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар давлат тест синовларини топширмоқда. Мазкур тест синовлари ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномасини олиш учун номзодларни саралашнинг якуний босқичидир.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида жанговар тайёргарлиги, намунали хулқи ва интеллектуал салоҳияти билан сафдошларига ибрат бўлган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномалар жорий этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш ҳамда имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

↘ (2).

## Янгиликлар

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

**2013 йилнинг сентябр ойидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида оммавий ахборот воситаларини онлайн тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш учун электрон ариза тақдим этиш хизмати жорий этилган эди. 2016 йилдан бошлаб мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулайлик яратилди, яъни Ягона порталда ноширлик фаолиятини лицензиялаш учун электрон ариза қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу тадбиркорлар ва агентлик ўртасида ортиқча қоғоз алмашинишни чеклаш, вақтни тежаш билан бирга яна бир қатор имкониятларни яратади.**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

**Китоб туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.**

**Қарийб 1 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига бунёд этилган марказ туман аҳолиси учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Икки қаватли замонавий масканда 495 ўринли зал, машғулотлар хонаси ҳамда турли тўгараклар учун хоналар мавжуд. Тренажёр зали, аёллар соғломлаштириш клуби, спортнинг стол тенниси ва муайтай турларига мўлжалланган заллар спортсеварлар ихтиёрида.**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

**Навоийда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**Тадбирда мутахассислар томонидан ёш тадбиркорлар учун кредитлар ажратиш тартиби, солиқ имтиёзлари, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишдаги енгилликлар хусусида атрофлича маълумот берилди.**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**

**Наманганда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 130 га яқин фуқарога ишга кириш учун йўлланма берилди. Уларнинг 70 дан зиёди хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларидир.**

**Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 70 дан ортиқ корхона ва ташкилот 200 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, иш ўринлари, имтиёз ва кафолатлар бўйича ҳам маълумотлар берилди.**

Муносабат

## Иқтисодиётга таянч бўлаётган тармоқ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси кенг жамоатчилик ўртасида қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Жорий йил учун белгилаб олинган устувор ва долзарб вазифалар ҳар биримизга масъулият юклайди, албатта. Айниқса, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни рўёбга чиқариш учун қатор имкониятларни яратиш, ташаббускорлик ва изланувчанликни ошириш тақозо этади.

Маърузада айтиб ўтилганидек, **Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.**

Аллоҳ назари тушган юртимизда унмайдиган ўсимликнинг ўзи йўқ ҳисоби. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва уни экспортга чиқариш бўйича ҳам муайян тажриба тўпланган. Биргина Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 3110 та саноат корхоналарининг 216 тасида ана шу мақсад йўлида катта ишлар амалга оширилаётир. Бугунги кунда вилоятда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг 33,2 фоизи, меванинг 29,5 фоизи, узумнинг 23,3 фоизи, сутнинг 36,4 фоизи қайта ишланмоқда. Кейинги тўрт ойда 96,3 минг тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари тайёр ҳолатга келтирилиб, унинг 45,9 тоннаси экспортга чиқарилди. Лекин соҳада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ тизимнинг соддалаштирилиши, четга маҳсулот чиқараётган саноат корхоналаридан фарқли ўлароқ, кичик бизнес субъектлари ва фермерларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан манфаатдорлигининг ошганлиги, ҳукуматимиз томонидан уларнинг рағбатлантириб келинаётганлиги бу йўналишда янги уфқлар очилишига туртки бўлиши, шубҳасиз.

Вилоятнинг 2015-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига кўра, 28,3 миллиард сўмлик 16 та қайта ишлаш корхонаси лойиҳага киритилган. Бу тадбир самарали амалга оширилиши натижасида 11 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти пайдо бўлиб, 432 та янги иш ўрни яратилади.

Бугун аграр соҳада ишлаётган ҳар бир киши рақобатбардош, сифатли маҳсулотга талаб ортиб бораётганлигини англаб турибди. Табиатимиз тот берган, мазаси-ю, таъми барчага манзур ноз-неъматларимизнинг бозори ҳамма ерда ҳам чаққон. Шундай экан, маҳсулот турини кўпайтириш, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнимизни топиш фурсати келди.

Ҳаракатда баракат, дейди доно халқимиз. Барча имкониятлар ишга солиниб, қўлга киритилган ҳар бир ютуқ, ошиб ўтилган довон ва эгалланган марра, охир-оқибат фаровонликка хизмат қилишини ҳаммамиз биламиз. Бинобарин, яхши ният билан бошланган иш, албатта, бароридан келади.

**Рустам ВАЛИЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



**ЎзКУФКда Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг Федерация Кенгаши масъул бўлган бандларида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, «Камолот» ЁИҲ, Тошкент давлат юридик университети, Федерация Кенгаши масъул ходимлари иштирок этди.**

## Чора-тадбирлар белгилаб олинди

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимларнинг меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида «Меҳнат ҳуқуқи» мавзусида давра суҳбатларини ташкил этиш ва Ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

## Инсонпарварлик — халқимизга хос олий қадрият

**Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш орқали шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида "Судялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", дейилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид конституциявий нормаларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, у ўзига бериб қўйилган ваколат доирасида давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат функциясини бажаради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

↘ (3).



Ёрқин келажагимиз асоси
>> 2



Солиқ тизимидаги ўзгариш ва янгиликлар
>> 3



Учар такси
>> 4

Ishonch 2016-yil 21-yanvar, payshanba, № 9 (3670)

# Тавсиянома энг муносибларга берилади

⇖(1).

Қарорда тавсияномага эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Номзодлар бундай тавсияномани олиш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, ҳарбий интизом ва тест синовлари натижалари бўйича энг кўп балл тўплаши зарур.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш учун тавсиянома бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорига биноан тасдиқланган махсус низом билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарликка оид дастурларни ўзлаштириш даражаси ва билимини якуний баҳолаш учун масъул этиб тайинланган.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган юрт посбонлари ўз билимини синаб кўрди.



Тест синовлари мавзуга оид уч йўналиш — умумҳарбий, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат. Намунавий тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, улар хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутади.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳарбий соҳа асосий йўналишларини ўзида мужассам этган фанлар ҳамда ихтисосликлар, турли ижтимоий фанлар бўйича зарур билимга эга бўлмоқдамиз, — дейди оддий аскар Илҳомжон Қаҳҳоров. — Бугунги тест саволларига жавоб беришда ҳарбий хизмат давомида олган билим ва кўникмаларим қўл келди. Ҳарбий хизматни якунлаганимдан сўнг Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факултетига ҳужжат топширмоқчиман.

Тест синовлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Суратларда: тест синовларида.*

**ЎзА фотомухбири**
**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ**
**олган суратлар.**

---

Юртимиз сиҳатгоҳларида

**Табиий иқлими, қолаверса, минг дардга даво шифобахш суви ҳамда инсон саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган шифокорларимизнинг малакали хизмати туфайли сиҳатгоҳимиз нуфузи тобора ортиб бораётир. Айтиш жоизки, сўнгги учтўрт йил ичида амалга оширилган ўзгаришлар натижасида даволаш кўлами сезиларли даражада кенгайди.**

# Нуронийлар дуоси вожиб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ўтган йилда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан сиҳатгоҳда бир қатор хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлими ташкил этилиб, санаторийга ташриф буюрган отахон ва онахонлар учун барча шароит яратилди.

Фахрийлар саломатлигини тиклаш баробарида уларнинг маданий дам олишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида уюштирилган тадбирларда Ватанга муҳаббат, тинчлик, осойишталик, фаровон ҳаётдан мамнунлик туйғулари диллардан тилларга кўчди. Таниқли санъаткорлар билан мулоқот кексалар қалбини нурга тўлдирди.

***Фатхулла бобо Мўминов, Тошкент шаҳри:***

— Умр оқар сув экан. Ана-мана демай 88 ёшни қаршилабман. 8 фарзандим, 40 нафардан ортиқ набира, чевараларим истиқлол шарофати билан фаровон ҳаёт кечиришмоқда.

Ўзбекистон касаба ушмалари Федерациясининг "Кексаларни эъзозлайлик" акцияси доирасида "Чинобод" санаторийсида бепул дам олдим. Бу эъзоздан бошим кўкка етиш баробарида, беихтиёр болалигим ёдимга тушди. Буни қарангки, Иккинчи жаҳон уруши даврида 11 ёшимда заводга токар бўлиб ишга кирганман. Чунки эркаклар урушга кетган, завод, фабрикалардаги иш биз болалар ва аёллар зиммасида қолганди. Пешонамизда бор экан, бугунги дориламон кунларни кўрдик. Илоҳим, тинчлик ва фаровонлигимизга кўз тегмасин. Санаторийда дам олар эканман, давлатимиз ғамхўрлигини яна бир карра ҳис қилдим. Бош шифокор ўринбосари И.Зокиров, шифокор геронтолог Г.Мухаммадиева, руҳшунос Д.Ирисқулова, ҳамшира З.Дадахўжаева, қўйингки, барча шифокору ходимлар кўрсатган эҳтиромдан жуда-жуда мамнунман.

***Насиба буви Саъдуллаева, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани:***

— Қандай оғир даврларни бошдан кечирмадик, дейсиз. Орзуларимиз ичимизда қолиб кетишидан қўрққандик. Йўқ, Яратганнинг атаганлари бор экан, орзуларим 8 фарзандим, 100 нафарга яқин набира, чевараларим мисолида ушалмоқда. 7-синфда ўқиётганимда отам армияга кетди. Онам Санобар Ҳайдарова қарамоғида 8 қиз боқувчисиз қолганмиз. Мактабда аъло ўқиб, дарсдан сўнг дорихонада ишлардим. Бу орада ТошМИда (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) ўқий бошладим. 1944 йилда оилавий шароит сабаб институтни ташлаб, ёрдам бериш учун онамнинг ёнига кирдим. Ўйлаб қарасам, бугунгидек шароит бизнинг тушимизга ҳам кирмаган. Ёшлари зукко, нуронийлари эъзоз-эҳтиромда бўлган бундай юрт дунёнинг ҳеч қаерида бўлмаса керак.

**Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,**
**«Чинобод санаторийси» АЖ маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби**

---

Жамоа шартномасида хотин-қизлар манфаати

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят тармоғидаги 325 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида 18267 нафар аъзо бўлиб, уларнинг 10855 нафарини аёллар ташкил этади.**

# Аёлга эътибор — миллатга эътибор

Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий саводхонлиги доирасини кенгайтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларига "Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш учун машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар" бўлими киритилган ҳамда белгиланган имтиёзлар бажарилиши бўйича хотин-қизлар комиссияси томонидан доимий мониторинг олиб борилаётир.

Корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 53 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 64 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 235 та оила фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Шунингдек, хотин-қизлар учун алоҳида кийиниш, дам олиш ва аёллар гигиенаси хоналари ташкил этилишига эришилмоқда.

Қашқадарё вилоят давлат архив иши бошқармаси, вилоят синов ва сертификатлаштириш бошқармаси, "Қашқадарё экспертиза" шўъба корхонаси, Қарши ногирон болалар "Мурувват" уйи, вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказларида зарарли жойларда ишлаётган аёллар учун сут, махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий гигиена воситалари бепул берилаётир.

Яна бир муҳим жиҳат, хотин-қизлар ўртасида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиш анъанага айланган бўлиб, масалан, Қаршидаги Сержантлар тайёрлаш мактабида фаолият юритувчи хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа қизиқарли ўтди. Ғолиблар иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

АТ "Асака" банк Қашқадарё вилоят филиалида "Аёли қадрланган диёр" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Муассасада иш берувчи ва ходимлар ўртасида 2014-2016 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасига аёллар манфаатлари ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилган.

Тармоқ тизимига қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларида аёлларга белгиланган имтиёзлар бажарилиши, хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратиб берилиши устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий саводхонлик бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш бундан буён ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

**Муножот НОРОВА,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси**

---

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Ёрқин келажагимиз асоси

**Бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш миллий модели боис соҳамизда эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.**

Чунончи, туманимизда қишлоқ врачлик пунктлари, катталар ва болалар поликлиникаларининг кенг тармоғи яратилди. Натижада, авваламбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Сўнгги йилларда даволаш-профилактика муассасаларимиз капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлангани ишимизнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

«Она ва бола скрининги» дастурининг амалга оширилиши туфайли нуқсонли болалар туғилиши кескин камайди. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Айни пайтда туман тиббиёт бирлашмасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасалари, жумладан, катталар ва болалар поликлиникалари, марказий шифохонамизнинг туғруқ комплекси, болалар бўлими, барча ҚВПларимиз замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда уларни малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор қаратяпмиз.

**Эшқувват САДАТОВ,**
**Музробод туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори**

# Кенг имконият — сифатли тиббий хизмат

**Самарқанд шаҳрида ўтган йили қайтадан қурилиб, замонавий усулда жиҳозланган 12-оилавий поликлиникада юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.**

30 га яқин малакали шифокор ва 80 дан зиёд тажрибали ҳамширалар фаолият юритаётган поликлиникада профилактика ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Айниқса, ҳудудда яшовчи 9 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёлларнинг ва болаларнинг саломатлиги алоҳида эътиборда.



*Суратда: Умумий амалиёт шифокори Моҳирухсор Истадова иш жараёнида.*

**ЎзА фотомухбири**
**Алишер ИСРОИЛОВ**
**олган сурат.**

---

Жараён

**Касаба уюшма ташкилотлари ишини маҳаллий ОАВларда кенг ёритиб бориш, аъзолик афзалликлари, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни тарғиб этиш фаолият самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.**

# Касаба уюшмалари ва ОАВ ҳамкорлиги

Фарғона вилоят ҳокимлиги ахборот-ресурс марказида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси ҳамда касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Учрашувда сўзга чиққан бирлашма кенгаши раиси Т.Саримсоқов "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, жорий йилда маҳаллий ОАВ ҳамда касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янада кучайтирилади.

Якунда иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Бандлик

***Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини электр тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича таҳсил олиш баробарида бир гуруҳ тенгқурларим билан Андижон туманидаги "Фусункор" масъулияти чекланган жамиятида амалиёт ўтадим. Ишлаб чиқариш устаси Муроджон Муҳаммаджонов соҳа сирларини эринмай ўргатганидан жуда миннатдорман.***

# Иккинчи уйим

Амалиёт даврида бизга ҳунар эгаллаш баробарида ойлик маош ҳам белгиланди. Коллежни битириб, шу ерда ишга қолсам, қанийди, деган фикр кўнглимдан ўтганди. Буни қарангки, орзуим амалга ошди. Бугун бизни катта ҳаёт сари етаклаб, мустақил йўлда тетапоя бўлишимизга кўмаклашган устозлар билан бирга ишлаяпман. Курсдошларим Моҳинур Маҳмудова, Гулбаҳор Зокирова ҳам шу корхонага ишга қабул қилинди.

Янги иш бошлаган кезларимизда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Насибахон Тешабоева бизни жамоа шартномаси билан таништирди. Илк бор ишга кирган ходимга дастлабки синов муддати белгиланмаслиги, шунингдек, ёшларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилганидан хабар топдик.

Корхонада иссиқ овқат, махсус пойабзаллар ҳамда мавсумий кийимбош таъминоти йўлга қўйилган. Узоқдан қатновчиларга йўл пули ажратилади. Кутубхона, дам олиш ва ювиниш хоналарида замонавий қулайликлар муҳайё. Жамият ҳисобидан ҳар йили барча ходимлар юртимизнинг тарихий шаҳарларига уч кунлик саёҳатга олиб чиқилади. Иш жойимни "иккинчи уйим" деб бемалол айта оламан. Бундай хулосага келишим корхонадаги самимий муҳит, жамоадошларнинг меҳр-оқибати, ёшларга кўрсатилаётган эътибор билан боғлиқ.

**Исломбек РАҲМОНОВ,**
**Андижон туманидаги «Фусункор» масъулияти чекланган жамияти ишчиси**

---

Тадбир

# Ихтирочилар кунига бағишлаб

**Тошкент Политехника музейида Халқаро ёш ихтирочилар куни муносабати билан тадбир уюштирилди. Ўқувчи ҳамда талабаларнинг 30 дан ортиқ ихтиролари ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.**

"Креатив техник ечим" йўналишидаги 1-3 ўринлар Турин Политехника университети талабаларига насиб этди. Улар томонидан яратилган ClockBot робот қўл, Solar Tracker ва Line Follower ихтиролари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ионли двигател, портатив йўлдошли антенна, портатив мини-кавшарлагич каби ихтиролар ғолиб деб топилди.

**Давронбек ОРИПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

